

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**“XXI АСР ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТИ: ИҚТИСОДИЙ ПАНДЕМИЯ ВА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-
амалий конференция материаллари тўплами**
2021 ЙИЛ 18-июнь



“XXI АСР ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТИ: ИҚТИСОДИЙ ПАНДЕМИЯ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР” мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари., Т.: 2021 йил. 732 - бет.

Мазкур онлайн халқаро конференция материал тўплами ҳозирги вақтда жамиятнинг барча қатлам ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида жадал суръатларда одимлаётган рақамли иқтисодиёт ҳамда унинг шаклланиши учун зарур бўлган хорижий тажрибага бағишланган. Рақамли иқтисодиёт тараққий этган давлатлар қаторида ўрин эгаллаш учун аввало замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги замонавий хориж тажрибасини ўрганишни тақозо этади. Бунинг учун жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводхонликни узлуксиз равишда ошириб боришимиз зарур. Илму маърифатнинг натижадорлик кўрсаткичларига бевосита таъсир қилувчи кўп сонли технологиялардан асосийси рақамли иқтисодиёт технологиялари ҳисобланади. Онлайн халқаро конференция тўпламида рақамли иқтисодиётнинг илмий назарий асослари, рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш йўллари, мамлакат ижтимоий – иқтисодий тараққиётида рақамли иқтисодиётни роли каби масалаларга бағишланган илмий мақола ва тезислардан иборат.

Тахрир ҳайъати раиси:

Тешабаев Т.З. – и.ф.д., проф.

Тахрир ҳайъати аъзолари:

Туйчиев А.Ж– и.ф.д., проф.;

Мехмонов С.У– и.ф.д., проф.;

Жўраев Т.Т. – и.ф.д., проф.;

Асатуллаев Х.С. – и.ф.н., проф.;

Халиқулова Г.Т. – PhD., доц.;

Хусанов Д.Н. – и.ф.н., доц.;

Аллаберганов З.Г. – к.ўқт.;

Турсунов Б.О- к.ўқт

Хаджаев Х. – к.ўқт.;

Файзиев Ш,Ш– к.ўқт.;

Такризчилар:

Гулямов С.С. – академик, и.ф.д., проф;

Аюпов Р.Х. – и.ф.д., проф;

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги келтирилган маълумотлар ва меъёрий ҳужжатларнинг тўғрилигига ҳамда келтирилган мустақил фикр-мулоҳазалар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикасида чакана банк хизматларини ривожлантириш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Банкларда жисмоний шахсларга берилаётган кредитларни фоизларини табақалаштириш лозим. Чунки, ўртача ойлик олаётган жисмоний шахслар кредит ва унинг фоизларини қайтаришга келганда муаммолар юзага келиши мумкин;

2. Тижорат банклари интернет тизимида виртуал офисларини талаб даражасида шакллантириб, он-лайн режимида мижозларга кенг доирадаги ритейл хизматларини юқори даражада тақдим этилиши керак. Бунда мижозларнинг шахсий “Web-кабинет”ларини дастурлаш ва мижозларга қулайликлар яратиш муҳим ҳисобланади.

3. Мижозларга Интернет-банкнинг хизмат турини яхшироқ таништириш мақсадида, банкка ташриф буюрган ҳар бир мижозга ушбу хизматни таклиф этиш ва махсус видео-роликлар яратган ҳолда банк муассасаларининг тегишли кутиш залларида қўйиб кўрсатиш, интернет сайти орқали оммага янада кенгроқ таништириш лозим. Шу билан бирга, банк ходимларига ҳам ҳар бир келган мижозга банкнинг замонавий хизматлари ҳақида ахборот бериш юклатилиши керак.

ҲАЁТ СУҒУРТАСИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юлдашев Обиддин Тошмурзаевич,

Банк-молия академияси докторанти, и.ф.н.

Сўнги йилларда кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ҳаёт суғуртаси миллий суғурта бозорининг жадал ривожланаётган сементи бўлиб, ҳаёт суғурта компаниялари янги потенциал суғурталанувчиларни излаш ва топиш, ҳамкорликдаги сотув нуқталарини ташкил этиш ва янги технологияларни жорий этиш орқали

ривожланмоқдалар. Бу борада, интернет-иқтисодиёт суғурта шартномаларининг тузилиши ва амалга оширилиши жараёнларини модернизациялашга хизмат қилиши лозим. Жумладан, ҳаёт суғурта компанияларининг бизнес жараёнларида IT-технологияларидан самарали фойдаланиш ва рақамлаштириш билан шуғилланиш куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади. Миллий ва хорижий илмий манбаларни таҳлили шуни кўрсатдики, ҳаёт суғуртасининг ўзига хос хусусияти суғурта бизнеси жараёнларини автоматлаштиришда ва рақамлаштиришда инобатга олиниши шарт, аммо, масаланинг мазкур жиҳати Ўзбекистонда етарлича ҳал этилмаган. Шу жиҳатдан, ҳаёт суғурта бозорини рақамлаштириш жараёнларида айрим муаммолар мавжуд, жумладан, ҳаёт суғурта компанияларининг рақамли технологиялар сегментида етарлича фаол эмаслиги рақамли сотиш каналлари орқали тўпланган суғурта мукофотлари ҳажмининг камлигига сабаб бўлмоқда, бу эса, бизнес кўламини кенгайтириш бўйича рақамли технологияларнинг хусусиятларидан тўлиқ фойдаланишга имкон бермайди.

Ҳаётсуғуртасига рақамли технологияларни самарали жорий этиш бораси, бизнинг фикримизча, аввало қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, ҳаёт суғурта бозорини модернизациялаш ва ривожлантириш мақсадида суғурта телематикасини киритиш орқали “ақлли суғурта” маҳсулотларини яратиш, суғурта хизматларини амалга оширишни соддалаштириш ва харажатларни камайтиришда блокчейн технологияларидан фойдаланиш, суғурта компаниялари томонидан мижозлар билан ишлашни такомиллаштириш мақсадида Big Date информацион платформаси яратиш таклиф этилади. Бунда, Big Date информацион платформаси – аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун тизимлашган ва тизимлашмаган маълумотларни қайта ишлашнинг турли хил усул ва ёндошувларини ўзида мужжасамлаштирган электрон (датчик) восита вазифасини бажаради.

Big Date информацион платформасини ҳаёт суғурта компаниялари томонидан қўлланилиши бир қатор афзалликларгаэга бўлиб, қуйидагиларга:

- ҳаёт суғурта ташкилотларида қўлда бажариладиган кўплаб операцияларни ва жараёнларни автоматлаштириш, аризаларни қайта ишлаш ва нархларни пасайтиришни бошқариш;

- рақобат шароитида суғурта маҳсулотлари нархларининг пасайиши ва янги мижозларни жалб этиш;

- мижозлар профилини таҳлил қилиш;

- ҳаётни суғурталашга оид янгиликлар учун мақсадли аудиторияларни аниқлаш;

- суғурта ҳодисасини юзага келиши мумкинлиги ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиш;

- маълумотларни моделлаштириш (сегментлаш, профил яратиш, моделлаштириш ва прогнозлаштириш);

- ҳаёт суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнида триггерларни яратиш, маркетинг ва чегирмаларни қўллаш имкониятини беради.

Иккинчидан, ҳаёт суғурта тармоғида интернет-суғурта тизимини ривожлантириш ҳамда потенциал мижозлар ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида онлайн-суғурта маҳсулотларини фақатгина компаниянинг расмий интернет сайтларидан эмас, балки электрон суғурта воситачилари тизими орқали сотишни йўлга қўйиш тавсия этилади, бунда:

- суғурта воситачиларининг ҳаёт суғурта маҳсулотларини сотишга мўлжалланган алоҳида давлат рўйхатидан ўтган махсус сайтларини яратиш;

- белгиланган тартибда ҳаёт суғуртаси бўйича электрон суғурта воситачиларнинг интернет тармоғида алоҳида ягона реестерини шакллантириш ва жойлаштириш;

- мижозларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва фирибгарликни олдини олиш мақсадида электрон суғурта воситачиларининг фақат юридик

мақом билан фаолият юритишларини талаб қилиш ҳамда ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотларининг тўғридан-тўғри ҳаёт суғурта компанияси ҳисоб рақамига келиб тушишини таъминлаш;

- суғурта полисларини электрон тартибда электрон суғурта воситачилари орқали ҳаёт суғурта компаниясининг расмий интернет сайтидан тўғри миқдорнинг ўзига (электрон почта ёки ижтимоий тармоқ орқали) юборилишини таъминлаш лозим.

Учинчидан, ҳаёт суғурта компаниялари ҳисоботлари, иш юритуви ва суғурта ҳодисаларини кўриб чиқишни автоматлаштирувчи ягона дастурий таъминотни яратиш ва амалиётга жорий этиш таклиф этилади. Ягона автоматлаштирилган дастурий таъминотнинг ҳаёт суғуртаси амалиётига жорий этилиши ҳаёт суғурта компанияларининг иш унумдорлигини оширишга, турли ҳисоботларни тезкор тайёрлашга сарфланадиган вақтни тежашга ва суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш жараёнини соддалаштиришга ёрдам беради.

Тўртинчидан, ҳаёт суғурта компаниялари учун фойда солиғи ставкасини пасайтириш ҳамда солиқдан бўшаган маблағларни InsureTech ва онлайн сотув технологияларини жорий этишга, шунингдек, уларни моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтириш таклиф этилади. Бу, ўз навбатида, ҳаёт суғурта компанияларининг асосий даромади инвестицион фаолиятдан бўлганлиги, асосий суғурта фаолиятидан даромад олиш кўрсаткичи паст даражада эканлигини инобатга олиб, уларнинг янада самарали ишлашига ва марказдан олиш ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига ҳаёт суғуртаси хизматларини сифатли етказишга имкон беради.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TIJORAT BANKLARIDA ZAMONAVIY CHAKANA BANK XIZMATLARINI JORIY ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Umirzoqova A.TMI, Magistr

168.	<i>Abdullayeva M.S Қаурапов М.</i>	PANDEMIYA "COVID-19" SHAROITIDA DAVLATNING IJTIMOIY SIYOSATI	614
169.	<i>Абдуллаева М.С Ниязимбетов И.</i>	МОДЕЛИ РАЗВИТИЯ БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	620
170.	<i>Жўрабоев.С.Й Қурбонов.Р.Б.</i>	ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДА ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	627
171.	<i>Валиев Т.Ш.</i>	АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ФАКТОРОВ	630
172.	<i>Абдулхалилова С.Н.</i>	ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИНИ АҲАМИЯТИ	634
173.	<i>Умирзоқова А</i>	ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.	636
174.	<i>Юлдашев Обиддин Тошмурзаевич</i>	ҲАЁТ СУҒУРТАСИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	638
175.	<i>Umirzoqova A.</i>	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TIJORAT BANKLARIDA ZAMONAVIY CHAKANA BANK XIZMATLARINI JORIY ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	641
176.	<i>Amanov Akram Mirzaevich Bo'riboyeva Zamiraxon Ravshan qizi</i>	O'ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI.	643
177.	<i>Oripov Akbar Amonjonovich</i>	IMPORTANCE OF INNOVATION FOR ECONOMIC GROWTH	648
178.	<i>Hikmatov Sh</i>	MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTI QOIDALARI BO'YICHA DAROMADLARNI TAN OLISH	652
179.	<i>Эгамбердиев Камрон Фармоқул ўғли</i>	ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК СОЛИҚЛАР РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ	654
180.	<i>Axadov Shahboz Shuxrat o'g'li Abdullayeva Sharbat Zulfikarovna</i>	ISLOM BANKI PASSIVLARINI O'ZBEKISTON AMALIYOTIGA TADBIQ QILISH	658
181.	<i>Джураева М.А</i>	НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ШАКЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	661
182.	<i>Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич</i>	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	663
183.	<i>Ҳамзаев Комилжон Тоштемур ўғли</i>	АКЦИЯЛАРНИ ОММАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ПРО АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ	668

**“XXI АСР ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТИ: ИҚТИСОДИЙ ПАНДЕМИЯ ВА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР”**

2021 йил 18- июнь

Тошкет-2021